O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI
TERMIZ SHAHAR HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
СУРХАНДАРЬИНСКАЯ ОБЛАСТЬ
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА ГОРОДА ТЕРМЕЗА

20**20** y «**27**» апрель № К-424 20

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида берилган таклифлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги "Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфраструктурасини бошқаришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5-сонли қарори ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги "Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфраструктурасини бошқаришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5-сонли қарорини инобатга олган ҳолда, Термиз шаҳрида кўп қаватли уй-жойларга самарали ва юқори сифатли коммунал хизматлари курсатиш бўйича ташкил этилган бошқарув сервис компанияларининг иш самародорлиги юқори эканлигини инобатга олиб, Термиз шаҳрида ҳам кўп қаватли уй-жойларга самарали ва юқори сифатли коммунал хизматлари курсатиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида берилган таклифлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 4 январдаги "Тошкент шаҳрининг уй-жой коммунал инфраструктурасини бошқаришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 5-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Термиз шаҳрида уй-жой коммунал хизматлари курсатиш сифатини, давлат-хусусий шериклик асосида соҳа корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш мақсадида қуйидагилар:

кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш учун бошқарув сервис компаниялари шаҳар ҳокимлиги томонидан кўп квартирали уйлардаги турар-жойлар мулкдорларининг ишончли шахслари билан биргаликда ўтказиладиган танлов асосида танлаб олиниши;

уй-жой фондининг умумий фойдаланишдаги мол-мулкларини сақлаш, таъмирлаш ишлари бошқарув сервис компанияси ишончли вакили томонидан шартнома асосида амалга оширилиши;

Термиз шаҳар Халқ депутатлари кенгашининг карорига кўра кўп квартирали уйдаги турар-жойлар мулкдорлари томонидан тўланадиган мажбурий бадалларнинг, кўп қаватли турар жойлардаги уйларнинг нотурар жойлари ҳамда уларга тегишли ҳудуддаги нотурар жойлар учун мажбурий бадалларнинг энг кам миқдори тасдиқланиши;

шартномага мувофиқ кўп каватли уй-жой бинолари эгалари умумий фойдаланишдаги мол-мулкларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш учун ойлик мажбурий тўловларни тулаши шартлиги;

мулкдорларнинг мавжуд деъбитор қарздорлиги хусусий уй-жой мулкдорлар ширкатининг базасидан бошқарув сервис компаниясига ўтказиб берилиши;

бошқарув сервис компанияси ўз фаолиятини турар-жойлар мулкдорлари олдида ҳисобдорлик, ошкоралик ва шаффофлик асосида амалга ошириши ҳамда ҳар чоракда ҳисобот бериб бориши;

бошқарув сервис компанияси ходимларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларни ҳимоя килиш мақсадида давлат хизматларини тақдим этиш ва сифатини таъминлаш учун тегишли ташкилотларга мурожаат этиш ҳуқуқига эгалиги;

кўп квартирали уйда турар-жойларни сотиб олувчи шахслар мулкдорлик ҳуқуқи юзага келган вақтдан бошлаб умумий мулк харажатлари (ойлик гулов бадаллари)ни амалга ошириши;

бошқарув сервис компанияси мол-мулк эгалари томонидан белгиланган тартибда умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий тўловларни ўз вактида ундириш ҳуқуқига эга эканлиги;

мулкдорнинг унга тегишли бўлган турар-жойдан фойдаланмаслиги ёки умумий мулкдан фойдаланишини рад этиши уни мажбурий тўловларни тўлик ёки кисман тулашдан озод этилмаслиги белгилансин;

тижорат банкларига бошқарув сервис компаниялари кайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган миқдорда имтиёзли кредитлар бериш тавсия этилсин;

Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси тегишли маколалар, теле ва радио дастурлар тайёрлаш орқали уй-жой коммунал соҳада давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш тўғрисида аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида кенг камровли тушунтириш ишларини утказиб бориш тафсия этилсин.

3. Термиз шаҳридаги уй-жой коммунал инфраструктурасини такомиллаштириш буйича қушимча чора-тадбирларни амалга ошириш учун "Йўл харитаси" иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Термиз шаҳар Қурилиш бошқармаси (А.Раббимов) ва вилоят "Ер-мулк кадастри" давлат корхонаси Термиз шаҳар филиали (Ш.Тураев) билан ҳамкорликда:

2020 йил 1 майдан бошлаб бошқарув сервис компанияси учун стандарт лойиҳаси ишлаб чиқилсин;

2020 йил 1 июлга қадар тегишли идоралар билан ёнғин, шаҳарсозлик ва санитария меъёрларини таъминлаш шартларига асосан куп қаватли уй-жойлар билан чегарадош ер участкалари чегаралари белгилаб олинсин;

кўп қаватли уй-жойларнинг қурилиш паспортларидан нусхалар бошқарув сервис компаниясига тақдим этилсин.

5. Термиз шаҳар ҳокимлиги (Ш.Рахмонқулов), Термиз шаҳар уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш бўлими (Р.Юсупов) 2020 йил 15 майгача:

турар жой биноларни таъмирлаш, эксплуатация қилиш учун бошқарув сервис компанияси танлов асосида тасдиқлансин;

танловга тақдим этилган кўп каватли уй-жойлар рўйҳати аниқ белгилансин, шу жумладан шаҳар ҳокимлигининг расмий веб- сайтига жойлаштирилсин;

кўп қаватли турар жой биноларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш учун бошқарув сервис компанияси билан намунавий шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилсин.

6. Термиз шаҳар алоқа боғланмаси (С.Кучаров) 2020 йил 15 майгача Термиз шаҳар аҳолисидан тезрок (фавқулодда) ёрдам чақирувларини олиш учун бошқарув компанияларга телефон орқали мурожаат қабул қилиши учун ўзкор рақам (қисқа рақам) ажратилсин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Рахмонқулов зиммасига юклатилсин.

Термиз шаҳар ҳокими **И.Худойбердиев**